# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 15 ноябрь, № 225 (6660) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.**

Шавкат Мирзиёев меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига, шахсан ХХР Раиси Си Цзиньпинга самимий миннатдорлик билдирди. Хитой ташқи ишлар вазирининг Самарқандда бўлиб, Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Биринчи Президентимизга юксак эҳтиром ифодасидир.

Самимий ва хайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбат давомида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йилда Хитойга ҳамда ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йилда Ўзбекистонга ташрифлари ўзаро тушуниш ва ишончга асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлагани, ўзаро манфаатли ҳамкорликка янги суръат бағишлаганини алоҳида қайд этдилар.

Мамлакатларимиз мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларга алоҳида аҳамият қаратади. Бу амалиётни келгусида ҳам давом эттириш, 2017 йилда навбатдаги учрашувларни ўтказишга келишиб олинди.

Ван И жорий йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва унинг натижаларига яна бир бор юксак баҳо берди. Мамлакатларимизнинг ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин ҳамкорлигини давом эттиришдан томонлар бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибида фаолият юритаётган еттита ихтисослашган кичик қўмиталар доирасида амалга оширилаётган ишлар самаралари қайд этилди.

Икки томонлама, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича фикр алмашишнинг самарали механизмига айланган мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ҳар йилги сиёсий маслаҳатлашувлар ўзаро ҳамкорликнинг муҳим бўғини ҳисобланади.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техникавий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва сармоявий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан, Ўзбекистондаги устувор лойиҳаларга жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошади.

Хитой компаниялари ва банклари иштирокида мамлакатимизда Қамчиқ довони орқали 19 километрлик темир йўл туннелини ишга тушириш, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ва Қўнғирот сода заводини қуриш, Хоразм вилоятида замонавий экскаватор ва бульдозерлар ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар ва ахборот технологияларини ривожлантириш сингари саноат ва инфратузилма ривожи учун муҳим лойиҳалар, шунингдек, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган.

Бугунги кунда "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси шиналари ва конвейер лентаси ишлаб чиқариш заводини ҳамда "Навоийазот" акциядорлик жамияти негизида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш каби муҳим инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Энергетика, нефть-газ, ирригация ва мелиорация соҳаларида, инфратузилмаларни модернизация қилиш борасида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган Ўзбекистон — Хитой маданий-гуманитар алоқаларига ҳам юқори баҳо берилди.

ХХР ташқи ишлар вазири Ван И самимий қабул учун Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистон билан мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган барча истиқболли йўналишлар бўйича ҳамкорликни бундан буён ҳам фаол ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг барқарорлиги, хавфсизлиги, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Хитой халқига тинчлик ва янада фаровонлик тилади.

**ЎзА.**

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Сайловолди дастурининг маънавий-маърифий соҳада белгиланган мақсад ва вазифалари ҳақида материал чоп этилмоқда.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

**2-саҳифага қаранг.**

# Истиқболли лойиҳаларнинг амалий натижалари



ТАҲЛИЛ

Тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётни диверсификациялаш, саноатнинг янги тармоқларини йўлга қўйиш имконини бермоқда. Пировардида ички бозор импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида, экспортда қўшимча қийматга эга товарлар улуши тобора ортаяпти. Бунда мамлакатимиздаги иқтисодий зоналар муҳим роль ўйнамоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

## САЙЛОВ — 2016

# Сарвар Отамуратовнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви 12 ноябрь куни бўлиб ўтди.***

Учрашувни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлик гуруҳи раҳбари Б. Шарофов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили С. Аббосов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўзининг Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Президентликка номзод Самарқанд шаҳри, бу ерда турли даврларда барпо этилган тарихий-меъморий обидалар, айниқса, Регистон ва Шоҳизинда ансамбллари, Амир Темур, Хўжа Дониёр ҳамда Имом Мотуридий мақбаралари, Бибихоним, Хожа Аҳрор ва Ҳазрати Хизр масжидлари, Чор Чинор ҳамда Ҳазрати Довуд зиёратгоҳлари, Афросиёб музейи ва Мирзо Улуғбек расадхонаси каби қадимий ёдгорликлар халқимизнинг юксак меъморлик санъати, аждодларимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан далолат беришини таъкидлади.

Шундан сўнг номзод дастурда маънавий-маърифий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ, иқтисодий, ижтимоий, ахборот ҳамда ташқи сиёсат йўналишларида илгари сурилган таклифлар ҳақида батафсил тўхталиб, бу халқимизда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларини мустаҳкамлаш, жамиятни ислоҳ этиш ҳамда демократлаштириш, мамлакатимизни модернизациялаш жараёнларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини эътироф этди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, туризмни ривожлантириш каби масалалар ҳам илгари сурилган. Вилоятда кўплаб моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, бу Самарқанд туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Таъкидлаб ўтилганидек, Самарқанд шароитида туризм иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида муҳим ўрин тутади. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашга, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлари, инфратузилманинг такомиллашишига хизмат қилади.

Видеоконференция тарзида ўтказилган учрашувда Самарқанд туманидаги 31-умумтаълим мактаби директори З. Шодиева, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси М. Иброҳимова, Ўзбек жанг санъати федерацияси Самарқанд вилояти бўлими бош мураббийи Ж. Юсупов ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастурига ўз муносабатини билдиришди. Шунингдек, сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга ҳамда Президентликка номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хатамжон Кетмоновнинг Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашуви

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 14 ноябрь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Қирғизбоев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили С. Арзиқулов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод мустақиллик йилларида Самарқанд янада обод ва кўркам гўшага айлангани ҳамда бу яратувчанлик, бунёдкорлик хислатларига эга самарқандликларнинг фидокорона меҳнатлари самараси эканлигини эътироф этди.

Учрашувда Хатамжон Кетмонов ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархларини шакллантириш устидан давлат ҳамда жамоатчилик назорати самарадорлигини янада ошириш орқали нархлар ва тарифларнинг ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш, уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини кафолатлаш мақсадида давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини тураржой фондини шакллантиришга йўналтириш механизмини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратди.

Шунингдек, мамлакатимизда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бораётгани натижасида йўллар, катта шаҳарлар кўчаларида тирбандликлар вужудга келишига барҳам бериш мақсадида тегишли инфратузилмани доимий такомиллаштириб бориш, пиёдалар йўлакларини капитал таъмирлаш, экологик тоза, соғлом турмуш тарзига замин яратувчи велойўлакларни қуриш зарурлигини таъкидлади.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг тартибга солувчанлик ролини мустаҳкамлаш, мазкур устуворликка амал қилган ҳолда, етакчи ижтимоий соҳаларнинг тижоратлашувини чеклаш, жамият аъзоларининг ижтимоий кафолатлари таъминланиши масалаларида бизнес масъулиятини ошириш лозимлиги ва бу вазифани рўёбга чиқаришда "Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз!" шиорига таянилиши қайд этилди.

Учрашувда Самарқанд давлат университети талабаси И. Умиров, Каттақўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори З. Бердиева, Самарқанд шаҳридаги "Саид" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Давронова ва бошқалар номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз муносабатини билдириб, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар ўрни ҳамда аҳамиятини кенгайтириш, судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишга оид таклифларни қўллаб-қувватладилар. Айни чоғда улар сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирдилар.

**Р. АБДУЛЬМАНОВ.**

# Наримон Умаровнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви

***14 ноябрь куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда талаба-ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари қатнашди.

Учрашувни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари С. Элмуродов очди. Номзоднинг ишончли вакили Ю. Усманова йиғилганларни Наримон Умаровнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз Сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлаб, демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, қонун устуворлигига эришиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга доир масалаларда ўз қарашларини баён қилди.

Сўнгги йилларда ҳудудни комплекс ривожлантириш дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида вилоятда саноат корхоналари сони сезиларли даражада кўпайгани, ўнлаб илғор ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этилиб, импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилгани, экспорт салоҳияти юксалиб бораётганини таъкидлади. Ана шулардан келиб чиқиб, номзод ўз дастурида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш масалаларига, аввало, юртимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, экспорт ҳамда импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуқтаи назаридан ёндашишини маълум қилди.

Шу билан бирга, молия бозорига аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағларининг фаол жалб қилиниши борасида ҳали фойдаланилмаган кенг имкониятлар, ечимини кутаётган вазифалар мавжуд эканлигига эътибор қаратиб, уларнинг ҳал этилиши иқтисодиётимизни равнақ топтириш учун қўшимча инвестициялар ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини беришини таъкидлади.

Қизғин мулоқот руҳида ўтган учрашувда иштирокчилар Президентликка номзодга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз фикр ва таклифларини билдиришди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ў. Холов, Гулистон давлат университети кафедра мудири Р. Маҳмудов, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси Д. Абдуллаева, Ховос бирлашган темир йўл шифохонаси бош шифокори Ғ. Раймназаров, Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Д. Умрзоқова ҳамда бошқалар сўзга чиқиб, Наримон Умаровнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни қўллаб-қувватлашди. Ўз навбатида, улар сайловчиларни 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга ҳамда Президентликка номзод Наримон Умаровга овоз беришга чорлади.

**А. ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИЗ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИМИЗНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИМИЗ

*Мамлакатимизда шу йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси қизғин паллага кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод Сарвар Отамуратов, унинг ишончли вакиллари томонидан сайловолди ташвиқоти тадбирлари фаол олиб борилаяпти. Бундай тадбирларда аҳолининг кенг қатлами қамраб олинаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.*

*Маълумки, ўзлигини англаган инсон, аввало, ўз аждодлари, халқи тарихини пухта билади. Тарихий хотира одамзодни аниқ мақсадли ва кучли иродага эга шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Ўзлигини англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутиши, шубҳасиз. Бу мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги барқарорлик, халқимизнинг тинч, аҳил ва фаровон ҳаёти мисолида яна бир бор исботини топди.*

Албатта, ушбу ютуқлар осмондан тушгани йўқ. Барчасига халқимизнинг машаққатли меҳнати, кучли саботи ва метин иродаси туфайли эришилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларнинг онгу қалбини турли зарарли ғоялардан асраш, тарихимизни, миллий қадрият ва анъаналаримизни пухта билишлари, азалий маънавий қарашларимизнинг бугун ҳам ҳаётимизда мустаҳкам ўрин топишига эришиш жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам муносиб иштирок этмоқда. Айниқса, партиянинг **"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари"** ғояси миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги ошиши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов Сайловолди дастурида бу борада ниҳоятда ҳаётий ва долзарб қатор ғояларни илгари сурмоқда.

Партия бугун ҳам халқимизнинг бетакрор ва улуғвор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш тарафдори.

Бунда Сарвар Отамуратов **"Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ"** тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бир ёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихининг бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш йўлини танлади. Аслида ҳам, тарихий хотира тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарихга айланади.

Мамлакатимиздаги мавжуд маданий мерос объектлари узоқ ўтмишга эга миллий давлатчилигимиз ва халқимиз тарихидан садо бергувчи асосий манбалардир.

Мамлакатимиз ҳудудида 7345 та моддий-маданий мерос объекти жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорликлар, Наврўз умумхалқ байрами, Бойсун маданий мероси, миллий мусиқа санъати — Катта ашула, Шашмақом, миллий ҳажв санъати — Аския эса номоддий маданий мерос объектлари сифатида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, музейларда 2,5 миллиондан зиёд музей буюмлари ва коллекциялари мавжуд, архивларда маданий мерос объектлари бўлган миллионлаб ҳужжатлар сақланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакат миллий бойлиги бўлган маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Улардан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилди.

Аммо халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари томонидан ўтказилган назорат-таҳлил хулосалари маданий мерос объектларини хатловдан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, сақлаш, таъмирлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, моддий-маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш тўлиқ даражада амалга оширилмаяпти ва бундай объектларни муҳофаза қилиш чегараларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, моддий-маданий мерос объектларининг муҳофаза белгиларини ўрнатиш етарли даражада таъминланмаяпти.

Маданий мерос объектларини ҳисобга олиш ишларини яхшилаш талаб этилади, музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларининг тўлиқ тоифалаштирилган рўйхатини тузиш зарур.

Шунингдек, бепул фойдаланишга берилган моддий-маданий мерос объектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши устидан назорат ўрнатиш лозим. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солувчи тегишли қонуности ҳужжатларининг ишлаб чиқилмаганлиги ҳам номзод томонидан белгиланган вазифаларнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, *Сарвар Отамуратов Сайловолди дастурида маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш, музейлар, архивлар, кутубхоналар ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш вазифаларини устувор этиб белгилади.*

Номзод архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш, бугунги кунгача ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига кирмаган осориатиқаларни унга киритиш вазифасини муҳим, деб билади.

Бу ва соҳадаги бошқа масалаларни ҳал этиш учун моддий-маданий меросни қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини туристик фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобидан ташкил этиш ташаббусини билдирди.

Яна бир гап: бугун музейларимизни айлансангиз, кўп ҳолларда, энг нодир экспонатларнинг нусхасини кўрасиз. Чунки уларнинг асли — асрлар давомида буюк алломаларимиз яратган бебаҳо маънавий дурдоналар тарих тақозоси билан чет мамлакатларда қолиб кетган ёки олиб чиқиб кетилган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод бу борада мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган ўзбек алломалари, мутафаккирлари ва ёзувчи-шоирларининг илмий ва бадиий асарлари, умуман, халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда янада фаоллик кўрсатишни асосий мақсадларидан бири этиб белгилаган. Бу халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг Ватанимиз тарихини янада пухта ўрганиши, миллий ўзликни англаш жараёнини тезлаштиришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, тарихий адолат нуқтаи назаридан ҳам ғоят ўринлидир. Зеро, музейга келган, қалбига қулоқ солган ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табаррук зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан "мен бу дунёда нима иш қилдим, ана шу улуғ аждодларга муносиб ворисманми, бобокалонларимиз шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади?" деган саволлар ўтиши табиий. Ана шу саволлар инсон қалбини поклайди, уни янги, улуғ мақсадлар сари руҳлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов яна бир кечиктириб бўлмайдиган вазифа — хорижий мамлакатларда яшаб ижод этган ёки юртимизда таваллуд топган бўлса-да, тақдир тақозоси билан чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг қабрларини аниқлаш, уларнинг мангу қўним топган масканларини ободонлаштириш ишларини давлат миқёсида амалга ошириш масаласини кун тартибига қўйган. Тўғри, бу борада кейинги вақтда, айниқса, "Бобур" халқаро жамоат фонди амалга оширган ишлар эътирофга молик. Бироқ ҳали бундай юксак эътибор ва эъзозга лойиқ улуғларимизнинг мангу қўним топган жойлари кўп. Қолаверса, халқимиз ҳамиша аждодлари қабрларини, қаерда бўлмасин, обод этиб, улар руҳини шод қилишни ўзининг фарзандлик бурчи, муқаддас вазифаси, ҳаёт мазмуни санаб келади.

Бундан бир неча минг йиллар муқаддам барпо этилган қадимий обидаларнинг биридан **"Ёшлар қалбини асранг"** деган битик топилган. Ўйлаймизки, бу даъват бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмаган. Айниқса, бугун дунёда глобаллашув жараёни давом этиб, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кенгайиб бораётган, эзгу ва ёвуз ғояларнинг инсон қалби учун кураши интернет оламига, маданиятлар, қадриятлар ва қарашлар замирига кўчган бир пайтда номзод белгилаган мазкур вазифа ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Зеро, маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар 13 миллиондан ортиқни ташкил этади. Уларнинг орасида мунтазам мурожаат қиладиган интернет ресурс, бу — ижтимоий тармоқлардир. Энг кўп фойдаланувчига эга бўлган халқаро ижтимоий тармоқлар "Facebook", "Twitter", "Odnoklassniki", "Vkontakte", "Moy mir" ва "YouTube" тармоқлари саналади. Мазкур ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтган ўзбекистонлик фойдаланувчиларнинг сони 500 мингдан 10 млн.гачани ташкил этади.

Мана шундай чексиз ахборот алмашинуви жадаллашган, кенг қулоч ёйган бир пайтда мамлакатимизда ёшлар онгу қалбини турли зарарли ғоялар таъсиридан асраш, хусусан "оммавий маданият"га қарши курашиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, тан олишимиз керакки, бу борадаги ишлар баъзан шунчаки маърузабозлик билан чекланиб қолмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар қалбига йўл топиш, маърифий тадбирларни жонли мулоқотларга, фикрлашувларга айлантириш бугун долзарб вазифадир.

Бир қараганда, омма тан олган маданиятнинг зарари йўқдек туюлади. Аммо бу тушунчани ҳар бир миллат ўз менталитетидан келиб чиқиб, қўштирноққа олади. Биз ҳам бу чегарани ўз ҳаёт ва тафаккур тарзимиздан, миллий қадриятларимиздан келиб чиқиб белгилаймиз.

Дарҳақиқат, "оммавий маданият" онгимизга "одатий ҳол" бўлиб кўринган нарсалар — "пирсинг", "татуировка" ва "боди-арт"нинг бошқа турларига берилиш орқали кириб келиб ўрнашади ва оқибатда ўзликнинг йўқолишига олиб келади. Ғарб маданиятининг ажралмас қисми, дея таърифланаётган "пирсинг" ва "татуировка" миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мутлақо зид. "Оммавий маданият" намунаси бўлган "пирсинг" ва "татуировка"ни бизга дахли йўқ, бу бизга ёт муаммо, деб хотиржамликка берилиш ярамайди. Сабаби, бугун глобаллашган, интеграциялашган интернет асрида яшаяпмиз. Интернет ахборот хуружининг "ўчоғи"га айланган.

Унда, айниқса, "пирсинг" ва "татуировка" каталогларининг рекламаси, косметологларнинг бу борадаги "изланишлари" тинимсиз тарғиб этилмоқдаки, айрим ёшлар бу "ҳунар"га маҳлиё бўлмоқда. Ҳеч қандай маъно, мазмун акс этмаган, фақат беҳаёлик, ваҳшийликни тарғиб қилувчи бундай суратлардаги "мода" ортига яширинган "оммавий маданият" хуружлари шарқона одоб-ахлоқ, фаҳм-фаросат, шарм-ҳаё, азалий қадриятларимизни ёшлар онгидан сиқиб чиқаришга қаратилгани билан хавфлидир. Бундай зарарли одатларни замонавий тиббиёт ҳам қаттиқ қоралайди.

Бугун ана шундай иллатлар турли хориж фильмлари, клиплар воситасида ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Афсуски, ўз мустақил фикрига эга бўлмаган, ғўр, онги ва маънавияти заиф, модага ўч айрим қизиққон ёшлар бундай одатлар таъсирига тез тушиб қолмоқда. Қолаверса, айрим йигитларимиз қулоғига худди қизлардек зирак тақаётганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Хулоса ўрнида айтганда, ёшларимизни уларнинг онгу тафаккурига, қалбига рахна солаётган бундай таҳдидлардан асраш зарур. Баданга турли тақинчоқ тақиш нафақат саломатликка, балки одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам путур етказишини унутмасак бўлгани.

Юқумли касаллик, вирус чегара билмаганидек, "оммавий маданият" — "оломон маданияти" ҳам миллат ё давлат ёки ёш танламайди. Шундай экан, эртанги кунимиз қандай бўлиши, фарзандларимиз эртага қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб бориши бу борадаги умуммиллий саъй-ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Эътиборлиси, номзоднинг Сайловолди дастурида "оммавий маданият"га қарши курашиш шунчаки мақсад сифатида таъкидлаб кетилмаган, балки бу эзгу мақсаднинг йўллари, аниқ механизми ҳам кўрсатиб берилган.

Хусусан, *Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Президентликка номзод ёшлар онгини халқимизга ёт "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онгига* ***"Баркамол авлод — миллат таянчи"*** *тамойили остида миллий тикланиш ғоясини сингдириш, миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтиришни муҳим, деб билади.*

Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ҳамда илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига кўмаклашиш, уларни тарғиб қилиш асосий вазифадир.

*Сарвар Отамуратов* маънавий ҳаётимиздаги яна бир муаммо ечими — *Ўзбекистон заминида яшаб ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган миллий кино асарлари яратиш борасидаги ишларни янги, замонавий босқичга кўтариш ташаббусини илгари сурмоқда.*

Чунки халқимиз таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этилган ва ўзбек халқининг ҳаққоний тарихи акс этган кино асарларини интиқлик билан кутмоқда.

Номзод бу борада миллий тарихий киноасарларни хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда, таниқли режиссёр ва актёрлар иштирокида тайёрлаш, уни бутун дунё жамоатчилигига етказишни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Қолаверса, бугун Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган бадиий ва видеофильмларнинг аксарияти хорижий давлатлар тарихи, ҳарбий ва сиёсий арбоблари ҳамда олимлари ҳақида. Ҳатто бугун қатор хорижий давлатлар ўзларининг миллий қаҳрамонлари тўғрисида, уларнинг, гарчи, замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва роли буюк бўлмаса-да, чет эл киностудиялари билан ҳамкорликда киноасарлар тайёрлаб, уларни дунё оммасига таништирмоқдалар. Бундай тажриба миллий ғурур ва ифтихорни ошириб, миллатни бирлаштирадиган кучли тарғибот усули ҳисобланади. Сарвар Отамуратов дастурида белгиланган ушбу вазифалар нафақат мафкуравий ишлар самарадорлигини оширади, балки миллий кино ишлаб чиқарувчи студия ва ташкилотларнинг даромадлари ортишига ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Номзод бугунги глобаллашув шароитида халқнинг ўзига хос қиёфаси, миллий қадрият ва анъаналарини асраб қолиш, одамларда юксак маънавий онг ва дидни тарбиялашда театр санъатига қизиқиш ҳавас қиларли даражада эмаслигига ҳам аҳамият қаратгани эътиборлидир. Чунки театрларимиз заллари кўпинча томошабинлар билан тўлиб-тўлмаган аҳволда ёки давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимларининг ташрифлари эвазига тўлдирилиши ҳам кўпчиликка аён ҳақиқат. Ваҳолонки, театрга одамларни қайтариш учун, энг аввало, замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда бадиий жиҳатдан юксак, маҳорат билан саҳналаштирилган спектаклларни кўпайтириш, одамларда, айниқса, ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш муҳим масала. Бунда Сарвар Отамуратов мамлакатимиз театрларида "Очиқ эшиклар куни"ни ташкил этиш ва шу орқали халқимиз ва айниқса, ёшларни ибратхонанинг маънавий озуқасидан баҳраманд этишни таклиф қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамиша ўз фаолиятида она тилимиз ривожини янги босқичга кўтариш учун унинг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлашни доимий вазифаси, деб ҳисоблайди.

Ҳаммамизга одат: ҳар йили 21 октябрь яқинлашган сари она тилимиз қайғуси билан яшаб қоламиз. Бошқа вақтда жамоатчилик ҳам, матбуот ҳам бу масалага негадир унча катта эътибор қаратмайди. Ҳолбуки, ижтимоий ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида давлат тилининг қўлланилиши ва унинг қоидаларига риоя этилишида ҳали-ҳамон камчиликлар, ўз ечимини кутаётган масалалар учраб турибди. Жумладан, оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ҳали-ҳамон ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари қўпол бузилмоқда.

Ушбу муаммо Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари томонидан газета ва журналларда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан сессияларда муҳокама қилинди. Хусусан, халқ депутатлари Жиззах, Навоий, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларига "Оммавий жамоат жойларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тўғрисида", "Давлат тили ҳақида" ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг ҳудуддаги ижросини таъминлаш тўғрисида 30 дан ортиқ ташаббус-масалалар олиб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳлари томонидан мазкур масала юзасидан мутасадди ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилди. Лекин бу борада сезиларли ўзгаришлар бўлмаганлиги ҳам бор гап.

*Шундан келиб чиққан ҳолда, Президентликка номзод Сарвар Отамуратов сайловолди Дастурида оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.*

Қолаверса, фундаментал фанлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ҳамда категорияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан номзод Сарвар Отамуратов бу эзгу ишларда жамият, оила ва таълим тизимида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада кенг имтиёзлар беришни ўз Сайловолди дастурида акс эттирган.

Қисқача айтганда, 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодининг миллий-маънавий юксалиш, барча соҳада миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашга йўналтирилган қатор ҳаётий ва долзарб дастур-ғоялари мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, халқимиз фаровонлигини ошириш, юртимиздаги тинчлик, осойишталикни мустаҳкамлаш, бетакрор ва улуғвор тарихий, маданий ва интеллектуал меросимиз, маданиятимиз ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳамда бойитишга, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақиради!

**Дониёр ТОШБОЕВ,**
**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзМТДП фаоллари.**



**4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ**

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги энг юқори демократик стандартларга мос бўлиб, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида зиммасига олган мажбуриятларига тўла жавоб беради.

# Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ва халқаро тамойиллар

Аввало, ушбу қонунчилик асоси инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, шу жумладан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлайди. Бу ҳуқуқлар дастлаб БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда акс этган бўлиб, кейинчалик БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳужжатларида янада ривожлантирилди.

Иккинчидан, унда демократик сайловларни ўтказишнинг аниқ тартиб-таомили белгиланган бўлиб, сайлов тизимининг барча жиҳати қамраб олинган. Сайловнинг ҳуқуқий асослари аниқ, изчил ва содда тузилган. Мазкур соҳадаги барқарор қонунчилик эса сайлов жараёни иштирокчилари учун аниқликни таъминлаши билан жуда аҳамиятлидир.

Учинчидан, ушбу ҳуқуқий асос жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олинган ҳолда, очиқ ва ошкора ишлаб чиқилган бўлиб, турли сиёсий партиялар, номзодлар томонидан ҳам, сайловчилар томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Тўртинчидан, бу ҳуқуқий тизим ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ҳамда мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ҳамда хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқини таъминлайди ва фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига хизмат қилади.

Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда, фуқаролар сайлов ҳуқуқларига риоя қилишнинг муҳим кафолатлари сифатида қуйидаги асосий тамойилларни белгилайди:

**Сайловнинг очиқлиги ва ошкоралиги**. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни мустақил сайлов комиссиялари холис, очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайловни тайинлаш, унга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир қарорлар расмий эълон қилинади, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилган тартиб ва муддатларда жамоатчилик эътиборига етказилади. Бу, ўз навбатида, сайловнинг миллий ҳамда халқаро кузатувини амалга ошириш учун кенг имконият яратади.

**Эркин сайловлар**. Фуқаролар сайловда эркин ва ихтиёрий равишда қатнашадилар. Ҳеч кимнинг уларни муайян бир номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз беришга мажбур қилишга ҳаққи йўқ. Шу билан бирга, ҳеч ким фуқарога уни сайловда иштирок этишга мажбурлаш мақсадида ҳамда унинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳақли эмас. Президент сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади.

**Ҳаққоний сайловлар**. Сайловлар фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни бевосита амалга оширишини таъминлайди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун сайловчиларга номзодларни танлаш имкониятини беради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сиёсий плюрализм, ғоялар хилмахиллиги ҳамда кўппартиявийлик амалда тўлиқ таъминланган. Сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Сайлов муддати ва тартиби Президентликка номзодларга, сайлов жараёни иштирокчиларига кенг кўламли ҳамда тўлақонли сайловолди ташвиқотини олиб бориш имконини беради.

Юртимизда ҳаққоний сайловни ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратилган. Рўйхатга олиш тартиби аниқ ва тушунарли қилиб таърифланган. Унда ким учундир имтиёз бериш ёки кимнидир чеклаш учун асос бўладиган шароитлар кўзда тутилмаган. Овозларни санаб чиқиш, овоз бериш якунлари ҳамда сайлов натижаларини сохталаштириш, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш қонун билан тақиқланган.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида сайловни ўтказишга оид қонун ҳужжатлари қоида ва тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

**Адолатли сайловлар.** Сайловларнинг адолатлилиги тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг ҳуқуқий шароит таъминланади. Бу, авваламбор, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқида, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишда, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятларни яратишда кўзга ташланади. Шу билан бирга, сайловни, номзодларнинг сайлов кампаниясини адолатли ва ошкора молиялаштириш, сайловнинг барча тадбирини расмий эълон қилиш орқали овоз бериш натижалари ҳақида тўлиқ ва тезкорлик билан хабардор қилиш, қолаверса, очиқ ҳамда ошкора, жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар назорати остида фаолият юритадиган мустақил сайлов комиссиялари томонидан сайлов жараёни ташкил қилиниши ҳам адолатли сайлов гарови ҳисобланади. Қолаверса, фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сайлов кампанияси бошқа иштирокчиларининг ушбу сиёсий тадбир доирасида ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги юзасидан шикоятлари судлар, бошқа ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан тезкорлик билан самарали кўриб чиқилиши эса ушбу тамойилни амалда рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Мустақил сайлов комиссиялари томонидан сайловларни ўтказиш**. Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ҳамда эркинлигини таъминлаш, шунингдек, уларга риоя этилишини назорат қилиш Конституция ва қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида холис фаолият юритадиган мустақил сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Конституциямизнинг 117-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ҳамда адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Сайлов комиссияларини шакллантириш, уларнинг ваколатлари ва фаолиятини амалга ошириш қонун билан белгиланади. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунда сайлов комиссиялари тизими, уларнинг ваколатлари, фаолиятини ташкил қилиш муддати мустаҳкамланган.

Марказий сайлов комиссияси фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги алоҳида Қонун билан тартибга солинади. Тегишли сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул этган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир. Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ҳамда материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

**Сайловни ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясини давлат томонидан молиялаштириш.** “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Давлат сайловда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайлов кампаниясини молиялаштириш учун бюджет маблағларининг қонунларда кўзда тутилган ҳолатларда ва тартибда адолатли ажратилишини таъминлайди. Президентликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ҳамда ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади. Бунда сайловда иштирок этаётган номзодлар, сиёсий партиялар сайлов кампаниясини бирор-бир хорижий маблағлар асосида молиялаштириши тақиқланади.

**Сайлов кампаниясини ёритишга, номзодлар ва сиёсий партияларга ташвиқот фаолиятини олиб боришга давлат томонидан ахборот кўмаги берилиши.** Давлат сайлов, номзодлар ҳақида ахборотни излаш, тўплаш, тарқатиш эркинлигини, оммавий ахборот воситаларида сайловнинг холис ёритилишини таъминлайди. Қонунчиликка мувофиқ, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатилиши, уларнинг сайловолди дастурлари, сайлов кампаниясининг бориши ҳамда овоз бериш якунлари ва сайлов натижалари ҳақида аҳолини хабардор қилади.

Давлат фуқароларга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини қонун рухсат берган барча тур, шакл ва усулларда, шунингдек, қонунда кўзда тутилган тартиб ҳамда муддатларда эркин олиб боришни таъминлайди. Қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, барча номзодга ўз сайловолди ташвиқотини олиб бориш, шу жумладан, Сайловолди дастури қоидаларини кенг тарғиб қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда адолатли ва тенг шароитлар таъминланади. Айни пайтда оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг шаъни ҳамда қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

**Миллий, хорижий ва халқаро кузатувчилар иштироки.** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бири қонун билан белгиланган тартибда ҳар бир сайлов участкасига биттадан кузатувчи тайинлашга ҳақли. Улар овоз бериш хоналарида кузатувни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Кузатувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан белгиланган.

Халқаро кузатувчиларнинг сайловда иштироки сиёсий тадбирнинг очиқ ҳамда ошкоралигига, давлатнинг халқаро мажбуриятларга риоя этишига хизмат қилади. Уларнинг фаолияти халқаро ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Халқаро кузатувчилар давлат ҳудудига қонунда белгиланган тартибда киришга рухсат олади ҳамда тегишли таклифнома бўлган тақдирдагина Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга ўрнатилган намунада мандат беради. Бундай мандат халқаро кузатувчига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш даврида кузатувни амалга ошириш ҳуқуқини беради. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг 5-моддасида сайлов кампанияси бошланишидан овоз бериш натижалари эълон қилингунгача бўлган даврдаги барча жараённи кузатишга рухсат берилиши кафолатланган. Бу халқаро амалиётда жуда кам учрайдиган мажбуриятлардан биридир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва жавобгарлик.** Фуқаронинг сайлов ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилган ҳолатда жабрланган шахс ёки шахслар мустақил судларга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тақиқланган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни содир этган айбдор шахслар қонунларга мувофиқ, жавобгарликка тортилади. Бунда сайлов қонунчилиги бузилганлигига оид шикоят ҳамда аризалар уч кун ичида, сайлов куни келиб тушса, дарҳол кўриб чиқилади.

**Камситмаслик тамойили ва камситиш деб ҳисобланмаслиги керак бўлган чоралар.** Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига оид юқорида зикр этилган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари қонун билан чекланиши мумкин. Агар бунда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини чеклаш кўзда тутилса, у ҳолда бу камситиш хусусиятига эга чора сифатида кўрилмайди.

Сиёсий партиялар ташкил этилиши ва фаолиятига боғлиқ ҳолда номзодлар кўрсатилиши ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш кўзда тутилиши мумкин. Бу чеклашлар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ҳамда мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб амалга оширилмаслиги керак. Чеклашлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун билан белгиланиши мумкин ҳамда миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, жамият фаровонлиги йўлида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадидагина асосли қўлланилиши мумкин. Энг муҳими, бундай чеклашлар давлатнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ бўлиши лозим.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлар доктори,**
**профессор.**

**ТААССУРОТ**

10-11 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Фундаментал ва амалий физика ривожининг янги тенденциялари: муаммолар, ютуқлар, истиқболлар” мавзуидаги халқаро симпозиум иштирокчилари Самарқандга ташриф буюрди.

# Симпозиум қатнашчилари Самарқандда

Халқаро форум қатнашчилари — Россия, Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Миср, Япония, Франция, Германия, Испания, Италия, Малайзия, Бельгия, Австралия каби қарийб 30 та давлатнинг етакчи олимлари кўҳна шаҳардаги тарихий қадамжо ва обидаларни томоша қилдилар.

Меҳмонлар дастлаб Ҳазрати Хизр масжид мажмуасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиб, марҳум хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди ҳамда Мирзо Улуғбек расадхонасига уюштирилган саёҳат давомида Амир Темур ва темурийлар даврида амалга оширилган улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари, илм-фан, маданият ривожи учун яратилган шароит ҳамда имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Самарқанд шаҳрининг қарийб уч минг йиллик тарихига оид ноёб экспонатларга эга “Афросиёб” музейи, бир неча дин вакилларининг муқаддас зиёратгоҳига айланган Хўжа Дониёр мажмуаси, маҳобатли Регистон майдони ва бошқа масканлар билан танишув ҳам хорижлик олимларда катта таассурот қолдирди.

— Тошкент ҳамда Самарқанднинг мусаффо ҳавосидан ажиб завқ олдик, — дейди Пекин Физика институти профессори Динг Хонг (Хитой). — Бундай муҳит мамлакатда илм-фан тараққиётининг атроф-муҳитга зиён етказмаслигидан бўлса керак. 2013 йилда юртингизда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб муқобил энергетика борасида қонун кучга кирди. Самарқандда Қуёш электр станцияси қуриш бўйича лойиҳа давом этмоқда. Шунингдек, юртингизда улкан салоҳиятга эга “Физика — Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларнинг барчаси физика фанидан тараққиёт йўлида унумли фойдаланиш ва уни энергетика соҳасида татбиқ қилишнинг ёрқин мисолидир. Бу тарзда энергияга бўлган эҳтиёжни қондириш энг замонавий ҳамда тўғри йўлдир.

— Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим, — дейди Милан университети профессори Гамбарини Грация (Италия). — Мамлакатингиз ҳақида интернет саҳифаларида танишганман. Мазкур маълумотларда Самарқанд Буюк Ипак йўлидаги нуфузли шаҳарлардан бири сифатида эътироф этилган. Бу қадим ва навқирон кентни, ундаги тарихий-меъморий обидаларни томоша қилиб, одамлари билан суҳбатлашиб, шуни ҳис қилдимки, Самарқанд, умуман, Ўзбекистон қиёси йўқ юрт экан. Анжуман доирасида юртингиз илм аҳли ва италиялик олимлар ўртасида имзоланган меморандум, албатта, ушбу заминга яна бир неча бор ташриф буюришдек бахтни насиб этажагига аминман.

— Қайси мамлакатга борсам, ўша юртнинг тарихи билан қизиқаман, — дейди Кэйо университети профессори Флачи Антонино (Япония). — Ўзбекистон давлатчилиги, илм-фани ва маданияти тарихи тасаввуримдан-да зиёда экан. Самарқанддаги ёдгорликлар услубларининг ўзига хослиги билан ажралиб тураркан. Масалан, Регистон ансамблидаги Мирзо Улуғбек мадрасасини томоша қилдик. Ўз даврининг таълим муассасаси ҳисобланган мазкур масканда илм ўрганувчилар учун керакли шарт-шароитлар, айниқса, бинони иссиқлиқ ва тоза ҳаво манбалари билан таъминлашнинг табиий-мукаммал тизими яратилгани бизни лол қолдирди.

Фурсатдан фойдаланиб, мазкур симпозиумни юқори савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**
**ёзиб олди.**

# Истиқболли лойиҳаларнинг амалий натижалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида юқори технологиялар асосида жаҳон стандартларига мос ва дунё бозорида харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратилди.

Умумий майдони 564 гектарга тенг бўлган ушбу эркин иқтисодий зона халқаро аэропорт, Е-40 автомагистрали ва халқаро аҳамиятдаги темир йўлга яқин жойлашгани боис бу ерда вилоятнинг мультимодаль транспорт-логистика тармоғидан фойдаланиш имкониятлари кенг. Унинг таркибидаги корхоналар ташқи инфратузилма билан тўлиқ таъминланган. Масалан, “Навоий” ЭИЗ яқинида 50 мВтли электр подстанцияси хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, 18,7 километрлик табиий газ, 27 километрлик ичимлик суви қувурлари ётқизилган. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зонада 23 километрлик ички автомобиль йўли ҳам бор. Айни чоғда шу йўлларга асфальт ётқизиш, пиёдалар йўлаклари барпо этиш ва бошқа қатор юмушлар жадал олиб борилаётир.

“Кореан Эйр” — дунёдаги энг йирик юк ташувчи компаниялардан бири. “Навоий” ЭИЗ ҳудудида ушбу компаниянинг Халқаро интермодал логистика маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда дастлабки босқичда кунига 300 тонна, иккинчи босқичда эса 1000 тонна юкни қабул қилиш, вақтинча сақлаш ва жўнатиш имконияти мавжуд.



Бугунги кунда ҳудудда Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур, Италия, Буюк Британия каби давлатлар иштирокида 20 та корхона самарали ишлаб турибди. Мисол учун, 2013 йилда Хитойнинг “Gulf Cable Trading” компанияси ҳамкорлигида асос солинган “Hayat Power Cable Systems” қўшма корхонасида йилига 4 минг километр юқори кучланишли кабель симлари тайёрланса, “KoUNGCylinder” қўшма корхонасида йилига автомобиллар учун импорт ўрнини босувчи 115 минг дона газ баллонлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, “UzEraeAlternator”, “UzMinda” ва “UzEraeCable” сингари хорижий инвестициялар киритилган саноат тузилмалари автомобилсозларга аккумулятор симлари, генератор, спидометр, хавфсизлик тизими жиҳозлари сингари 30 дан ортиқ эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

Шу пайтга қадар ҳудудда корхоналар томонидан 100 га яқин саноат товарлари тайёрлаш ўзлаштирилди, уларга ташқи бозорларда ҳам талаб ниҳоятда катта. 2009 — 2015 йиллар давомида 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 7,29 миллион АҚШ долларлиги экспорт қилингани бунинг тасдиғидир.

Ҳозир умумий қиймати 68 миллион АҚШ долларига тенг бўлган яна 6 та лойиҳа борасида ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, “Ўзбекэнерго” АЖ томонидан электрон ҳисоблагич ҳамда қуёш панелларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаяпти. Бундан ташқари, Буюк Британиянинг “Dartlex Impex LLP” компанияси иштирокида 2 та лойиҳа доирасида алюминий ҳамда ПВХ профиллари ишлаб чиқариш режалаштирилган, “Ўзфармсаноат” АК томонидан Ҳиндистоннинг “Bravo Pharma” корхонаси билан дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича музокаралар давом этаяпти.

Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан чет эллик инвесторларга берилаётган имтиёзлар самарасидир. “Навоий” ЭИЗдаги хўжалик юритувчи субъектлар сони тобора кўпайиб, ҳудуднинг экспорт салоҳияти янада юксалиб бораяпти. Биргина 2015 йилда 5,1 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилиниб, кўрсаткич нисбати аввалги йилдагига кўра 3 маротаба ошди.

Қўлга киритилаётган бундай ижобий натижалар “Навоий” эркин иқтисодий зонаси тараққиёт йўлидан дадил одимлаётганидан дарак беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳоли турмуш даражаси янада ошишига хизмат қилаверади.

**Азамат ФАЙЗИЕВ,**
**«Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# «Келажак сари йўл»

Ўзбек ва япон халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Меҳнатсеварлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби фазилатлар икки халқ учун бирдек хосдир. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар истиқлол йилларида изчил ривожланиб бормоқда.

**КЎРГАЗМА**

Бу ҳақда пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида япониялик ёш ижодкорларнинг “Келажак сари йўл” деб номланган кўргазмаси очилишида алоҳида таъкидланди. Унда 40 дан зиёд санъат асарлари намойиш этилмоқда. Хусусан, Миюки Ёкомидзо,Тецуя Накамура, Сатоши Хиросе, Майва Дэнки ва бошқалар томонидан техника ютуқлари асосида яратилган тасвирлар кишини бефарқ қолдирмайди. Масалан, Миюки Ёкомидзо 1600 та совундан ўзига хос тарзда тўплам ишлаган. Уларни шунчалик маҳорат билан жойлаштирганки, беихтиёр ижодкорнинг маҳоратига қойил қоласиз. Тўпламга яқинлашсангиз, хушбўй ифорлардан баҳридилингиз очилади, ўзга оламга тушиб қолгандек бўласиз.

Яна бир ижодкор — Тецуя Накамура “Тезлик” деб номланган автомобиль макетини ҳавола қилган. Самолёт ва пойгага мўлжалланган автоуловни уйғунлаштириш асосида яратилган бу намуна, муаллифнинг ғоясига кўра, “келажак машинаси” бўлиб, ҳаво йўлларида ҳаракатланишга мўлжалланган.

Кўргазмадан жой олган бу каби ноодатий ишланмалар кунчиқар юрт ёшларининг изланувчанлигидан дарак беради. Барчада алоҳида қизиқиш уйғотаётган мазкур ижод намуналари намойиши 7 декабргача давом этади.

**Анора БОЗОРОВА.**

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг**
**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИШ МАРКАЗИГА ҚАБУЛ**

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг «Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган касб-ҳунарга ўқитиш марказига**
**ўқувчилар қабул қилинади.**

Марказда ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш (қайта тайёрлаш) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади: автомобилларни диагностика қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар), машинасозлик ишлаб чиқариши (токарлар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари), электр ҳамда электроника (электрон техника, радио ва телеаппаратураларни таъмирлайдиган мутахассислар), ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа турдаги оргтехникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-ҳунарга ўқиш муддати — 10 ой, шундан марказда ўқиш — 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловига мувофиқ, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги касб-ҳунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом топширилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза, паспорт (асли ва нусхаси), касб-ҳунар коллежи, академик лицей ёки умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисида ҳужжат (аттестат ёки диплом, асли ҳамда нусхаси), Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган йўлланма, соғлиғи тўғрисида маълумотнома (086 форма), 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат.

***Ҳужжатлар 2016 йил 15 ноябрдан 15 декабргача қабул қилинади.***

*Гувоҳнома № 001537.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси.**
**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 251-19-03, 251-26-91. www.vtct.uz www.mehnat.uz**

1717A/719

# Эътибор, эҳтиром ва рағбат

Ўзбек Миллий академик драма театрида тиббиёт ходимлари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.

**ТАДБИР**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2006 йил 12 сентябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади. Ушбу анъанага мувофиқ ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов, Касаба уюшмалари Федерация Кенгаши раиси Т. Норбоева, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Л. Лазери ва бошқалар соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг соғлом ҳамда узоқ умр кечиришини таъминлашда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида тиббиёт тизимининг тубдан ислоҳ этилиши натижасида соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилди. Энг муҳими, бу йўналишдаги янгиланишлар аҳоли саломатлигини муносиб муҳофаза қилишга қаратилаётганлиги билан янада аҳамиятлидир. Масалан, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ривожланаётир. Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва фтизиатрия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, педиатрия соҳаларида махсус илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилиб, аҳолига бу йўналишларда юксак савияда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида ҳар йили эллик мингга яқин юқори технологияли мураккаб операциялар бажарилади. 600 мингдан кўпроқ беморларга амбулатор хизмат кўрсатилади. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида тиббиёт тизимининг моддий-техника салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ ишлар тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимизда бошқа соҳаларда бўлганидек, шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари — шифокор ҳамда ҳамширалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимларининг малака ҳамда маҳоратини ошириш, соҳада эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Тиббиёт муассасалари, хусусан, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослаштирилган шифохоналар, санитария-эпидемиология назорати марказлари, шифокорлар ҳамда ҳамширалар иштирокидаги турли танловлар шулар жумласидан.

Анжуманда ушбу танловларнинг ғолиблари эълон қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси "Имон" спектаклини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда

Ўзбек — туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқалари илдизи олис тарихга бориб тақалади. Икки халқнинг қардошлиги, қўни-қўшничилик муносабатлари, айниқса, кейинги йилларда янги поғонага кўтарилиб бормоқда. Буни мамлакатимизда бўлиб ўтган Туркманистон маданияти кунлари ҳам яққол тасдиқлади. Мазкур тадбир қатнашчилари қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида бўлдилар.

**ҲАМКОРЛИК**

Туркманистон маданият вазири ўринбосари А. Шомуродов бошчилигидаги бир гуруҳ санъат ва маданият намояндалари дастлаб Бухоро санъат коллежига ташриф буюришди. Бу ерда коллеж ўқувчилари томонидан Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик алоқаларига бағишланган тасвирий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмага қўйилган асарлар ёш иқтидорли рассомларнинг ижодий изланишлари маҳсули сифатида меҳмонларда илиқ taассурот қолдирди. Бу ерда, шунингдек, туркман кинорежиссёри Б. Мансуровнинг "Беллашув" номли бадиий фильми намойиш қилинди. Дўстлик, ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик ғоялари билан суғорилган картина томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Туркманистонлик меҳмонлар қадимий шаҳар бўйлаб саёҳат қилишди. Улар аждодларимиздан мерос тарихий обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётгани, кейинги чорак аср мобайнида Бухорода шаҳарсозлик равнақ топганини алоҳида эътироф этишди.

— Дўстлик чегара билмайди, — дейди тадбир иштирокчиси, Туркманистон халқ артисти Шагули Аллабердиев. — Халқларимиз ўртасидаги аҳиллик, биродарликка кўз тегмасин. Ҳар икки халқнинг турмуш тарзи, маданияти, санъатида ўхшаш жиҳатлар жуда кўп. Бу учрашувлар дўстлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

Асосий тадбир эса вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтди. Унда Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шириев ҳамда бошқалар Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ҳамда манфаатли ҳамкорлик, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланаётгани, ўзбек-туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Туркманистон маданияти кунлари икки мамлакат санъаткорларининг концерт дастури билан якунланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 5 НОЯБРДАН 11 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 8 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837 (2016 йил 14 ноябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турадиган ташкилотларнинг сет, штат ва контингентлари бўйича режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1969, 2009 йил 16 июнь).

**Адлия вазирининг 2016 йил 8 ноябрдаги 262-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***III. Бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди:***

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2004 йил 2 мартда 3/194-сон хати билан амалга киритилган Автобуслар ва йўналишли таксиларда йўловчиларни мунтазам ташишда чипта тизимини жорий этиш юзасидан методик тавсиялар.

***Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва қонун ҳужжатларига зид ҳужжат сифатида бекор қилинди ва ижродан чақириб олинди.***


## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2016 йил 5 ва 26 декабрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

* Самарқанд шаҳар СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2014 йил 15 декабрдаги 14-1417/12841-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 19-уйда жойлашган бино-иншоотлар.

**Бошланғич баҳоси — 2 245 570 000 сўм.**

* Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги 1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Парвинабанк» АТБга тегишли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси, 17-уйда жойлашган «12-шина таъмирлаш» МЧЖнинг мулкий мажмуаси.

**Бошланғич баҳоси — 4 374 934 000 сўм.**

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Sagdiana real servis» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй.**
**Телефонлар: (0-366) 234-89-99, 239-65-88.**

Хизматлар лицензияланган.

1718А/88


ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

**кафедралардаги қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

**Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси:** ассистент — 1.

**Фармакология ва клиник фармация кафедраси:** доцент (фармакология) — 1, катта ўқитувчи (фармакология) — 1, ассистент (жисмоний тарбия) — 1.

**Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:** катта ўқитувчи (органик кимё) — 1, ассистент (токсикологик кимё) — 1.

**Дори турлари технологияси кафедраси:** ассистент — 1.

**Фармацевтик кимё кафедраси:** ассистент — 1.

**Фармакогнозия кафедраси:** кафедра мудири (фан доктори ёки фан номзоди), профессор (фармакогнозия) — 1, ассистент (фармакогнозия) — 1.

**Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.

**Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи — 1, ассистент — 1.

**Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи (лотин тили) — 1, катта ўқитувчи (инглиз тили) — 1, ўқитувчи (инглиз тили) — 1.

**Физика, математика ва ахборот технологиялари:** катта ўқитувчи (информатика) — 1, ўқитувчи (физика) — 1.

**Ижтимоий фанлар кафедраси:** профессор (иқтисодиёт назарияси) — 1, катта ўқитувчи (Конституция асослари ва ҳуқуқшунослик) — 1.

**Биотехнология кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ, «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом» талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.

**Танлов эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: (0-371) 256-37-38, 256-38-50.**

1702А/713



## «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

**Тошкент шаҳар филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2016 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 42-уйда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2014 йил 25 июндаги ҳукми ва 2014 йил 21 июлдаги 5909/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, сариқ рангли, техник носоз, давлат рақами 01 Н 334 ЕА бўлган, «Dogan» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 2 911 143 сўм 33 тийин.**

* Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2015 йил 22 июндаги ҳукми ва 2015 йил 8 июлдаги 27012/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, оч кулранг тусли (серо-белый), техник носоз, давлат рақами 01 Z 352 RA бўлган, «ГАЗ-310290» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 9 000 999 сўм 2 тийин.**

Автотранспорт воситалари «Автомото-ҳаваскор Ганга сервис» ШК ҳудудида сақланмоқда.

* Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 14 апрелдаги ва 2015 йил 8 июндаги 22169/11-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, «BMW 318» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 20 841 944 сўм 26 тийин.**

* Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2014 йил 23 декабрдаги ҳукми ва 2015 йил 15 апрелдаги 14955/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, оч сарғиш рангли, давлат рақами 01 L 749 KA бўлган, «Ford Transit» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 14 139 544 сўм 35 тийин.**

* 2001 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник носоз, давлат рақами 10 V 031 JA бўлган, «ГАЗ-322132» русумли.

**Бошланғич баҳоси — 8 616 413 сўм 73 тийин.**

Автотранспорт воситалари «Авто плаза сервис» МЧЖ ҳудудида сақланмоқда.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 декабрь куни соат 18.00.

**Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001, МФО: 00580, СТИР: 302221689.

**www.koss.uz** **Телефонлар: (0-371) 276-42-62, (+99897) 790-95-95.** Гувоҳнома № 5477.

1723А/660



## «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2016 йил 28 октябрдаги 16-1302/2672-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган шаҳри, Саъдий Шерозий кўчаси, 5-уйда жойлашган, «22-автокорхона» АЖга қарашли автосарой бино-иншоотларининг қуйидаги мулклари қўйилмоқда:

* 2-литердаги омборхона ва 53-литердаги назорат-текшириш пункти биноси.

***Бошланғич баҳоси — 73 741 793 сўм.***

* 6-литердаги устахона, 8-литердаги бостирма, 35-36-литерлардаги омборлар ва 41-литердаги бостирма.

***Бошланғич баҳоси — 383 608 670 сўм.***

* 31-литердаги ҳожатхона, 32-33-34-литерлардаги устахоналар ва 41-литердаги бостирма.

***Бошланғич баҳоси — 291 952 702 сўм.***

* 7-литердаги омборхона, 9-литердаги ҳожатхона, 11-литердаги дурадгорлик цехи, 12-литердаги бостирма, 13-литердаги омборхона, 14-литердаги бостирма ва 15-литердаги омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 117 158 406 сўм.***

* 21-литердаги бостирма, 22-литердаги ишхона биноси, 23-литердаги ишхона ва 24-А литердаги ҳовуз.

***Бошланғич баҳоси — 47 370 075 сўм.***

* 17-литердаги насос биноси, 19-литердаги омборхона, 20-литердаги техника хавфсизлиги биноси ва 47-литердаги бино.

***Бошланғич баҳоси — 52 466 394 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Учқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Наманган вилояти судининг 2016 йил 4 майдаги 2-25-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учқўрғон тумани, Учқўрғон шаҳри, Дўстлик кўчаси, 107-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 66,80 кв. м. бўлган, 3 (уч) хонадан иборат 10-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 142 396 339 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Учқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Наманган вилояти судининг 2016 йил 4 майдаги 2-25-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учқўрғон тумани, Учқўрғон шаҳри, «Дўстлик» МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 1202,16 кв. м., фойдаланиш майдони 1103,85 кв. м. бўлган, 36 (ўттиз олти) хонадан иборат ресторан бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 806 408 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 15 декабрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 13 декабрь куни соат 18.00.

**4.** Аукцион савдосига Чуст тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2015 йил 24 декабрдаги 1-4501/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чуст тумани, Чуст шаҳри, «Бирлик» МФЙ, Чустий кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 103,16 кв. м., қурилиш ости майдони 71,53 кв. м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 45 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 30 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 28 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Наманган минтақавий филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000800433601001, МФО: 00223, СТИР: 303179580.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Манзил: Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 7-уй. Телефон: (0-369) 227-85-25.**
**www.emulk.uz Электрон почта: best.namangan@inbox.uz**

1695А/540



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 951 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 22.30** 1 2 3 4 5 6